



Президент Шавкат Мирзиёев томонидан «Хоразм вилояти таркибида Тупроққалъа туманини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор имзоланди.



13 апрель куни Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг «Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қўшма қарори қабул қилинди.



Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов **Рамазон ойини ўтказиш бўйича қабул қилинган фатвони** эълон қилди.



Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига кўра, **Озарбойжон Республикаси**га тиббий буюмлар ва воситалар шаклидаги **инсонларварлик ёрдами юборилади.**

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан эълон қилинган **#bizzizuchundaladimiz** шиори **остидаги чалленж** давом этмоқда. Ҳамюртларимиз ушбу чалленжда фаол иштирок этмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 апрель куни Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбатда давлат раҳбарлари аънавий дўстона ва самимий руҳдаги икки томонлама алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни, биринчи навбатда савдо-иқтисодий соҳада кенгайтиришнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар ҳамда айрим минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашишда ҳамкорликни давом эттириш ва саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти пандемияга қарши курашда кўрсатилаётган амалий кўмак учун Мун Чже Инга самимий миннатдорлик билдирди. Хусусан, март ойининг охиридан мамлакатимизда корейлик профессор – эпидемиолог мутахассис фаол ишламоқда, билим ва кўникмалари билан ўртоқлашмоқда. Шу ойда мазкур дийрдан юртимизга яна бир тажрибали мутахассис – анестезиолог-реаниматологининг келиши кутилмоқда. Фуқароларимизни эвакуация қилиш ва зарур тиббиёт воситалари етказиш учун чартер рейслар ташкил этилди.

Президентлар икки мамлакат ўртасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтиришга ҳамда Ўзбекистонга Корея тиббиётининг, жумладан, карантин тадбирларини ташкил этиш, касалликларни аниқлаш ва даволаш, реабилитация тадбирларини ўтказиш, тиббий кадрлар малакасини ошириш борасидаги илгор тажрибасини самарали жорий этишга қатъий интилишларини қайд этдилар.

Икки давлат соғлиқни сақлаш вазирликлари ва етакчи тиббиёт мар-

казлари ўртасида саъй-ҳаракатларни яқиндан мувофиқлаштириш ва тезкор ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олинди.

Мулоқотда Президентлар мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий ва илмий-инновацион ҳамкорликда эришилган суръатларни сақлаб қолиш масалаларига батафсил тўхталдилар.

Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари иштирокидаги устувор инвестиция лойиҳалари ҳамда ушбу мамлакат Эксимбанки ва «EDCF» жамғармаси иштирокидаги ижтимоий аҳамиятга эга дастурларнинг амалга оширилиши тахлил қилинди.

Савдо ҳажми ва қўшма корхоналар сони сезиларли даражада ортгани мамнуният билан қайд этилиб, бу ишбилармон доираларнинг ўзаро қизиқиши кучайиб бораётганидан далолат экани ҳақида яқдил фикр билдирилди.

Ўтган йил апрель ойида мамлакатимизга амалга оширилган олий даражадаги ташриф чоғида эришилган келишувларни тўлиқ амалга ошириш ҳамда Сеулда бўлажак учрашувга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ҳукуматлари даражасида фаол мулоқотлар ва алмашувларни давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Телефон мулоқоти якунида Президент Мун Чже Ин Корея Республикаси биродар Ўзбекистонга бугун долзарб бўлиб турган қийинчиликлар ва замонавий хатарларни тез фурсатларда енгиб ўтишда барча зарур ёрдам ва кўмакни кўрсатишга тайёр эканини яна бир бор билдирди.

Ўзбекистон Республикаси раиси Қўшма қарори қабул қилинди.

## ХАЙРЛИ ИШЛАР БАРДАВОМ



2

## БОКУ ДЕКЛАРАЦИЯСИ:

Туркий тилли давлатлар тараққиёт йўлининг муҳим асоси

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркий тилли давлатлар Ҳамкорлик кенгашининг навбатдан ташқари саммитидаги нутқи ташкилотга аъзо мамлакатлар раҳбарлари, кенг жамоатчилик ва сиёсий доира вакилларининг эътирофига сазовор бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг муҳим тақлиф ва ташаббуслари асосида саммитнинг якуний ҳужжати – Боку декларацияси қабул қилинди.

Бу ҳужжат туркий тилли давлатлар тараққиёт йўлининг муҳим сиёсий ва ҳуқуқий асоси бўлади, дейишга тўла ҳақлимиз. Видеомулоқот шаклида ўтган саммитни диққат би-

лан кузатиб борган, сўнг мулоҳаза юритган ҳар бир киши ана шундай хулосага келиши табиий.

Саммит ишида муҳим сиёсий, ижтимоий, иқтисодий масалалар кўриб чиқилди. Истиқболли режалар, аниқ тақлифлар жамланди. Уларнинг ҳар бири муҳим ва долзарб. Саммитда асосий эътибор коронави

рус инфекцияси тарқалишига қарши курашишда ҳамкорликни кучайтириш ва саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга қаратилди. Иштирокчи давлатлар раҳбарлари кўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан фикр алмашди. Бундай шароитда эпидемиологик назоратни таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини муҳофаза қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган комплекс тадбирлар муҳокама қилинди.

2

## Бирлашган доимо ўзган

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг барча ватандошлар, меҳнаткашлар, фахрийлар, аёллар ва ёшларга Мурожаатини ўқиб...

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши барча ватандошларимизни, меҳнаткашлар, фахрийлар, аёллар ва ёшларни бирлашишга ва бошимизга тушган жиддий синовни тезроқ енгиб ўтиш учун барча саъй-ҳаракатларни сафарбар этишга чақирди.

Давлат идоралари, барча даражадаги раҳбарлар, касаба уюшма ташкилотлари, мамлакатнинг барча ватанпарвар фуқаролари пандемиянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ишларни давом эттириш учун қўлларни мушт қилиб, ғалабага бўлган ишончларини мустаҳкамлаши лозим.

Зеро, бугун мамлакатимизда ҳукм сураётган ҳолат ҳаммининг хотиржамлигини бузди. Коронавирусга чалинган ҳамюртларимиз ҳақидаги кунлик хабарлар эса ҳар биримизни хушёрликка чақирмоқда.

Ҳа, биз бугун нури ҳаётимиз, ёрқин келажакимиз учун курашаётган шифокорлар ҳамда мамлакат фуқароларининг тинчлиги ва хавфсизлигини кун-у тун ҳимоя қилаётган фидойи ҳуқуқ-тартибот идора-



Қўшма қарори қабул қилинди.

лари ходимларининг машаққатли меҳнатларига чексиз хурмат-эътирими билдирган ҳолда уйда қолишимиз шарт.

Ҳар нарсанинг ҳикмати бўлганидек, айни кунда оиламиз, яқинларимиз даврасида бўлишдек имкониятимизга шукроналик келтириб, ёши улуг ота-оналаримиз ёнида уларнинг панд-насихатлари, дуоларини олайлик.

Фарзандларимизни эса таълим-тарбиясига янада эътиборлироқ бўлиб, уларнинг қалбида ватанпарварлик, китобга бўлган қизиқиш, табиатга бўлган меҳрни янада оширайлик, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб қимматли вақтимиздан унумли фойдаланайлик!

## Аҳиллик ва бирдамлик билан

Мамлакатимизда коронавирус пандемиясининг олдини олиш ва унга барҳам бериш борасида қатъий чоралар амалга оширилмоқда. Мазкур жараёнда кимё ва фармацевтика sanoati ходимлари ҳам фаол иштирок этаётир.

Бугун бунинг учун sanoat корхонлари тўлиқ қувват билан ишламоқда. Хусусан, «Махат-Чирчиқ», «Фарғонаазот» ва «Навоийазот» акциядорлик жамиятлари дезинфекция амалиётида қўлланиладиган натрий гипохлорид маҳсулоти ишлаб чиқаришни янада кенгайтириб, мамлакатимизнинг барча ҳудудларига етказиб бермоқда. «Жиззах пластмасса» акциядорлик жамияти эса айни шу маҳсулот учун зарур бўладиган пластик тараларни ўз вақтида тайёрламоқда.

Андижон шаҳридаги «Макро фарм Андижон» МЧЖ эса тез фурсатларда импорт дори воситалари ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кенгайтирди. Айни вақтда корхонада бир кунда 500 минг дона бир марталик шприц ва 20 минг дона тиббиёт ниқоблари ишлаб чиқарилмоқда.



Мавжуда ХАЛИЛОВА, Кимё ва фармацевтика sanoati ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

Коронавирус туфайли бутун инсониятнинг меҳр-оқибати синовдан ўтказилаётган шу кунларда барча вилоятларда ҳам кимё ва фармацевтика йўналишидаги корхона ва муассасалар ташаббуси билан имкон даражасида ёрдам кўрсатиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Бугун Ўзбекистон кимёгарлари ва фармацевтлари шундай шиор остида меҳнат қилмоқда: Сиз уйда қолинг, биз сиз учун ишда-миз, сизни ҳеч нарсага муҳтож қилмаймиз, биз биргамиз – биргалликда коронавирусни, албатта, енгамиз!

## Халқ табобати – эл саломатлиги учун

Халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолини сифатли ва арзон дори воситалари билан таъминлаш Президентимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда.

Охири йилларда тиббий хизматлар кўлами ва сифатини оширишга қаратилган 30 га яқин фармон ва қарор қабул қилинди. Улар орасида халқ табобати соҳасини тартибга солиш, халқ табобатида қўлланиладиган шифобахш гиёҳларни мамлакатимизда етиштириш ва қайта ишлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Бироқ бугунги кунда халқ табобати соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳали етарли эмас. Бу йўналишда мутахассислар тайёрлаш, халқаро тажрибаларни ўрганиш, тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш зарурати пайдо бўлмоқда.

Президентимизнинг шу йил 10 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида халқ табобатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори юқорида таъкидлаб ўтилган камчиликларга тезроқ ечим топишга қаратилган бўлиб, унга кўра, юртимизда 2021-2025 йилларга мўлжалланган халқ табобатини ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилади.



Нуратўлла ПАРДАЕВ, Жиззах вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси

Шу йилнинг 1 майдан бошлаб давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс мақомига эга Республика халқ табобати илмий-амалий маркази, тиббиёт олий таълим муассасалари ва Абу Али ибн Сино номидagi Жамоат саломатлиги техникумларида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Халқ табобатини ривожлантириш марказлари ташкил этилади. Шунингдек, туман (шаҳар), вилоят ва республика даражасидаги кўп тармоқли давлат тиббиёт муассасалари ҳамда нодавлат тиббиёт ташкилотларида халқ табобати хоналари очилади.

2



## БОКУ ДЕКЛАРАЦИЯСИ:

Туркий тилли давлатлар тараққиёт йўлининг муҳим асоси

Саммитда коронавирус инфекцияси тарқалишининг оқибатларига биргаликда қарши самарали курашиш бўйича Президент Шавкат Мирзиёев томонидан аниқ таклифлар айтилди. Жумладан, Туркий кенгаш доирасида эпидемиологик ҳолатни мониторинг ва таҳлил қилиш, эпидемия ривожланишини прогнозлаш бўйича доимий фаолият юритувчи тизим яратиш масаласининг кўтарилгани ҳам биргаликда курашиш йўлидаги муҳим ташаббусдир. Бу каби ҳамжиҳатликдаги тадбирлар туркий тилли халқлар ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши табиий, албатта.

Туркий кенгаш котибиятининг мувофиқлаштирувчи функцияларини кучайтириш ҳамда пандемияга қарши курашиш миллий штаблари билан яқин амалий алоқаларни йўлга қўйиш учун тегишли гуруҳ тузиш масаласининг ўзи мазкур хавфни бартараф этишга қаратилган чора-тадбир бўлса, пандемия оқибатларини юмшатишга халқро ёрдамни жалб этиш, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мақоми ва ваколатларини янада ошириш, ЖССТ ва Туркий кен-

гаш ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатишга қаратилган аниқ таклиф асосида Боку декларациясининг қабул қилиниши жуда муҳим воқелик бўлди.

Боку декларацияси эпидемиологик ҳолатни юмшатишга қаратилган халқро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асоси бўлди, дейиш мумкин. Бу ҳужжат бугун чегара ва миллат танламас вазиятга туртки тузиш масаласининг кўтарилгани ҳам биргаликда курашиш йўлидаги муҳим ташаббусдир. Бу каби ҳамжиҳатликдаги тадбирлар туркий тилли халқлар ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши табиий, албатта.

Туркий кенгаш котибиятининг мувофиқлаштирувчи функцияларини кучайтириш ҳамда пандемияга қарши курашиш миллий штаблари билан яқин амалий алоқаларни йўлга қўйиш учун тегишли гуруҳ тузиш масаласининг ўзи мазкур хавфни бартараф этишга қаратилган чора-тадбир бўлса, пандемия оқибатларини юмшатишга халқро ёрдамни жалб этиш, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мақоми ва ваколатларини янада ошириш, ЖССТ ва Туркий кен-

**Феруза МУХИТДИНОВА,**  
Тошкент давлат юридик университети профессори.  
Ў.А.

## Халқ табобати – эл саломатлиги учун

Қарорда халқ табобати марказининг ўзбек халқ табобатининг тарихий аънава ва ўзига хос меросидан фойдаланган ҳолда касалликларни профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволаш, бошқа тиббий хизматлар кўрсатишининг самардорлигини таҳлил қилиш ва ўрганиш билан боғлиқ бир қатор асосий вазифалари белгилаб берилган. Умуман, қарорда халқ табобати ривожини билан боғлиқ яна кўплаб муҳим вазифалар, уларнинг ижроси бўйича тегишли вазирлик ва идораларга топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбарининг

шу куни қабул қилинган «Еввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эса мазкур ишларнинг тизимли ва узвий давом эттириладигани, энг муҳими, замонавий ва инновацион талаблар асосида амалга оширилишини намойён этади.

Сирасини айтганда, эл саломатлигини таъминлашни давлатимиз устувор вазифаларидан бири этиб белгилаганки, буларнинг барчаси халқимизни оидин истиқболга элтажак.

## Фарғона вилояти

Фарғона вилоятида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш ва вирус юқтириб олган фуқароларни даволашда иштирок этган тиббиёт ходимлари саломатлигини мустаҳкамлаш учун вилоятнинг сўлим ғўшасида жойлашган сўхаттоҳга жойлаштирилди.

Фаолият

## Фидойилар эътиборда

Энди фарғоналик шарафли касб эгалари икки ҳафта мобайнида гўзал табиат кўйида жойлашган сўхаттоҳда меҳнат қўйишлари билан бирга, саломатликларини мустаҳкамлайдилар. Бунинг учун масканда барча шарт-шароитлар яратилган.

Айтиш жоизки, Президентимизнинг «Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишга жалб қилинган тиббиёт ва санитария эпидемиология хизмати ходимларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан тиббиёт ходимларига 14 кунлик фаолият даври учун солиқлардан ташқари 25 миллион сўмдан 10 миллион сўм миқдоригача сумасуз рағбатлантириш тўловлари тўлаб берилди.

**Химоятхон СОБИРОВА,**  
Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Фарғона шаҳар бирлашган кўмитаси раиси

## Сурхондарё вилояти

# ХАЙРЛИ ИШЛАР БАРДАВОМ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг топшириғига биноан Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси раиси раҳбарлигида ташкил этилган Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича республика ишчи гуруҳи Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманида ўрганишлар ўтказди.

– Бугун бутун дунёда коронавирус пандемияси билан кураш кетмоқда. Афсуски, бу синов Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади, – дейди Олтинсой тумани ҳокими Алишер Жумаев. – Шундай кунларни бошимиздан кечираётган бир вақтда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси раиси Қудратулло Рафиқов бошчилигидаги ишчи гуруҳ хайрли ишларни амалга ошириш учун туманимизда ўрганишлар олиб борди.

Дарҳақиқат, ўрганишлар якунига кўра, бир қатор амалий чоралар кўрилди. Хусусан, Хўжасоат қишлоғи ҳудудида хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларга муносиб турмуш шароитларини яратиш мақсадида туманда вилоятимиздаги йирик корхоналардан бири бўлган «ZIF TEXTIL» фабрикасининг филиали очилди.

Мазкур фабрикага Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси 2 миллиард сўм маблағ ажратиб, 100 та тикув машинаси ва зарурий жиҳозлар келтирди. Натижада ҳудуддаги 200 нафар хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

Шу куни туманда яна бир корхона – гилам тўқишга мўлжалланган фабрика фаолияти ҳам йўлга қўйилди. Унга ҳам



Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси ҳисобидан 500 миллион сўмлик дастхўллар келтирилди. Натижада бу ерда 500 нафар аёл касаначилик асосида фаолият юритиладиган бўлди.

Ишчи гуруҳ Олтинсой туманидаги турмуш шароити оғир бўлган хотин-қизларнинг аҳолини ҳар бир ҳудуд бўйича аниқ таҳлил қилиб, уларга амалий кўмак берди. Жумладан, «Хидиршо» маҳалласида яшовчи кам таъминланган оила ҳисобида рўйхатда турувчи Мақсуда Маматраимовага гилам, «Жилибулоқ» маҳалласида яшовчи боқувчисини йўқотган Дилором Менглиқуловага тикув машинаси, «Қизилтепа» маҳалласида яшовчи Зулайхо Мамаражабовага газ плитаси, «Гулистон» маҳалласида яшовчи Дилором Қўзиёевага кир ювиш машинаси берилди.

Ўрганишлар давомида Ўзбекистон

касба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан 10 нафар кам таъминланган оилага 2 миллион сўмдан нақд пул, 10 нафар хотин-қизга саломатлигини тиклаш учун сўхаттоҳларга бепул йўлланма, 10 нафар хотин-қизга «Хўжайпоқ» сўхаттоҳига ишга жойлашиш учун йўлланма, яна 4 нафар аёлга гилам, 10 нафарига тикув машинаси, 5 нафар аёлга газ плита ва кир ювиш машинаси берилди.

Умуман олганда, 60 нафар олтинсойлик хотин-қиз ишчи гуруҳ ёрдамидан баҳраманд бўлди.

Ўзбекистон Касабаси уюшмалари Федерацияси томонидан Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги 42-умумтаълим мактабига 20 донна компьютер совға қилинди.

– Шу кунга қадар мазкур ишчи гуруҳ мамлакатимизнинг қарийб барча вилоятларида бўлиб, хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга муносиб шароитлар яратиш бериш бўйича салмокчи ишларни амалга оширди, – дейди Сурхондарё вилояти касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Абдуқарим Аҳмедов. – Бугун Сурхондарёдаги ишларни ўз кўзимиз билан кўриб, амин бўляпмизки, бу улкан иш. Бу ниятда савобли ва хайрли иш. Бугун биз эътибордан мамнун аёлларнинг ҳечрасида пайдо бўлаётган ишончнинг кўрдик. Бу – улкан ютуқ. Президентимиз таъкидлаганидек, аёлларга муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиш бериш, уларни рози қилиш – барча даражадаги раҳбарларнинг нафақат хизмат вазифаси, балки, энг аввало инсоний бурчи бўлиши керак.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**  
«ISHONCH»

## Андижон вилояти

# «УСТОЗ, ДАФТАРИМ УЙДА ҚОЛИБДИ!» бу баҳона энди ўтмайди

Телевидение орқали йўлга қўйилган онлайн дарс машғулотларига наинки ўқувчилар, аксар ота-оналар ҳам кўникиб улгурди. Аслида, масофавий таълимнинг афзал жиҳатлари кўп. Аввало, вақтни тежайди. Ўқувчи мавзунинг бирор тўшунмаган жиҳатини қайта сўраш имконияти йўқлиги сабаб телевизор қаршисида зийрак ва ҳушёрроқ ўтиришга ўрганади.

Андижон туманидаги 36-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати ўқитувчилари айна кунларда ўқувчилар билан доимий виртуал мулоқотда: устозлар томонидан телеграмда очилган гуруҳларга қарийб барча йигит-қизлар бириктирилган. Телевидение орқали бериб борилаётган онлайн сабоқлар ҳамда кундалик вазифаларнинг ижроси мазкур гуруҳларда назорат қилиб борилаётган. Муҳими, айрим дангаса ўқувчиларнинг синфда айтилган «Вазифани бажариш ёдимдан кўтарилибди» ёки «Дафтарим уйда қолиб кетибди» каби баҳоналари ўтмайди.

Гуруҳларга ота-оналар ҳам жалб этилган – фарзандининг уй шароитида қай даражада билим олаётгани ҳамда ўқитувчилари қандай баҳо бераётганини кузатиб боришяпти.

– Мен раҳбарлик қилаётган 10-синф ўқувчилари мактабни тамомлагандан сўнг олий таълимни қайси йўналишда давом эттиришларини аллақачон ҳал этиб бўлишган, – дейди ушбу мактабнинг математика фани ўқитувчиси Марғубахон Ниёзова. – Шу сабаб ҳар кун дарс машғулотларидан сўнг телеграм гуруҳига фанлар бўйича тест саволларини жойлаб борапмиз. Ҳар ким ўз йўналишига таллуқли тестларни ечиб, билимини мустаҳкамлаётган, биз эса натижаларини кўнма-кун текшириб, хато-камчиликларни кўрсатиб берапмиз.

Қувонарлиси шуки асосий дарслардан сўнг ўқувчилардан кимдир бадий китоб ўқияпти, кимдир мусаввирлик қилмоқда.

**Нурилло НЎЪМОНОВ,**  
«ISHONCH»

## Сурдарё вилояти

# МАСОФАВИЙ САБОҚЛАР

Педагогик тажрибам салкам ўттиз йил. Бу даврда кўплаб педагогик усуллар қўллашга ҳаракат қилганман. Мана, улар қаторига давр тақозоси билан масофавий дарслар ҳам қўшилди. Ноодатий, аммо қўлайликларим ҳам бор...

Хозирда Боёв туманидаги 1-умумтаълим мактабининг юқори синфига она тили ва адабиёти фанидан дарс ўтиш билан бирга 9-синф ўқувчиларига синф раҳбариман. 25 нафар ўқувчига телевидение дарсларни ўзлаштиришга кўмаклашмоқдам. Таълим тизими тўхтаб қолмаслигини тўғри англаб, ўқувчилар билан онлайн мулоқотда бўлишни тезда йўлга қўйдик. Дарслар давомида, албатта, тиббий қоидаларни бир-биримизга эслатиб, уйда қолишга даъват этаймиз.

Очиги, дарсларнинг кейинги тақдири, олиб боришда сустхаллик бўлишидан чўчиган, дарс жараёналарига ҳамма ўқувчиларни қамраб ололмастидан хавотирда эдим. Аммо бунинг акси бўлиб чиқди. Бу натижага эришишда масъулият барчада икки қарра ортгани, ота-оналарнинг назорат олиб боришларидан дейиш мумкин.

Теледарслар орқали янги мавзунини тушунириш билан бирга дарсларни назорат қилиш, мустаҳкамлаш, ўзлаштиришни баҳолаш кетма-кетлигини бемаъл амалга оширса бўлар экан.

Шу ўринда давлатимизнинг таълим соҳаси вакилларига кўрсатган ғамхўрлигиндан миннатдоримиз. Ҳозирги эпидемиологик вазиятнинг ҳисобга олган ҳолда, саломатлик ва хавфсизлигимиз ҳақида қайғуриб, ҳақ тўланадиган меҳнат таълими берилиши, шунингдек, масофадан ишлаш имконияти яратилганлигидан мамнун бўлдим.

**Гавҳар ХУДОЙБЕРДИЕВА,**  
Боёв туманидаги 1-умумтаълим мактаби ўқитувчиси



Ў.А. Сурхондарё

## Қашқадарё вилояти

Қашқадарё вилоятида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш ва вирус юқтириб олган фуқароларни даволашда иштирок этган тиббиёт ходимлари саломатлигини мустаҳкамлаш учун вилоятнинг сўлим ғўшасида жойлашган сўхаттоҳга жойлаштирилди.

Фаолият

## Фидойилар эътиборда

Энди фарғоналик шарафли касб эгалари икки ҳафта мобайнида гўзал табиат кўйида жойлашган сўхаттоҳда меҳнат қўйишлари билан бирга, саломатликларини мустаҳкамлайдилар. Бунинг учун масканда барча шарт-шароитлар яратилган.

Айтиш жоизки, Президентимизнинг «Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишга жалб қилинган тиббиёт ва санитария эпидемиология хизмати ходимларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан тиббиёт ходимларига 14 кунлик фаолият даври учун солиқлардан ташқари 25 миллион сўмдан 10 миллион сўм миқдоригача сумасуз рағбатлантириш тўловлари тўлаб берилди.

**Химоятхон СОБИРОВА,**  
Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Фарғона шаҳар бирлашган кўмитаси раиси

## Қашқадарё вилояти

# Ходим ҳимояси – асосий вазифа

Юртимиздаги истиқболли ислохотлар самарасида қишлоқ хўжалигида кластерларга махсулотни етиштириб, тайёр ҳолда бозорларга олиб чиқиш имконияти яратилди. Натижада хомашёнинг биржа орқали эркин нархларда сотилиши, кўп йиллар мўқаддам қўрилган гигант корхоналарнинг модернизациялаш, кичик технологияларга алмаштиришга кенг йўл очилмоқда.

Кези келганда мулк шакли ўзгариб, давлат тасарруфидидаги корхоналар ишбилармонларга берилаётгани айна мудио бўлаётганини қайд этиш лозим. Шу билан бирга, ишчи-ходимлар манфаати ҳеч қачон иккинчи даражали масала бўлиши керак эмас.

Айни вақтда 574 нафар ишчи-ходим меҳнат қилаётган «Косон ёғ-экстракция» акциядорлик жамиятида бу йўналишдаги ишлар қандай амалга оширилмоқда?

Ўтган йили корхонада меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий аҳоли, ишлаб чиқаришга бўлган муносабати ўрганилиб, улар корхона маъмурияти ва касабаси уюшмаси билан ҳамкорликда моддий жиҳатдан рағбатлантириб борилди.

Байрамларда ишчи-ходимларга уй-рўзгор буюмлари, пул маблағлари берилди. 12 нафар ходим республикамиздаги турли сўхаттоҳларда даволаниб келди. Ходимларнинг 186 нафар фарзанди Шахрисабз шаҳридаги «Гулнора» болалар оромгоҳида ҳордиқ чiqарди.

– Ишчи-ходимлар манфаати, меҳнат шароитининг қониқарли бўлиши корхона фаолиятининг барқарорлигида муҳим омилдир, – дейди жамият касабаси уюшмаси раиси Равайн Қудратов. – Шу сабаб иш берувчи билан муносабатларда бу жиҳат доимий эътиборда бўлмоқда.

**Акмал АБДИЕВ,**  
«ISHONCH»

## Самарқанд вилояти

Бугун таълим муассасаларида дарслар масофавий онлайн машғулотлар тарзида қизқарли, индивидуал ишлаш имконияти яратилган ва энг муҳими, тартибли равишда олиб борилаётган. Хусусан, Самарқанд вилоятидаги олий таълим муассасаларида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда.



# Биз ҳар доим «ОНЛАЙН»МИЗ

– Талаба ёшларнинг уйда бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида турли масофавий тадбирлар ўтказмоқдамиз, – дейди Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси касабаси уюшмаси тизимидида Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ёшлар билан ишлаш бўйича проректори Ориф Ҳайтов. – Хусусан, институт маънавият-маърифат бўлими билан ҳамкорликда институтининг расмий телеграм мессенжери орқали бир неча лойиҳалар йўлга қўйилди. Жумладан, «@samdaq yoshlari» каналида илк марта «online иншо» танлови ўтказилди. «Мангу даъват: иродадан кучли эмас ҳеч бир дард...» мавзусида ўтказилган танловга 2 соат оралиғида 48 та электрон иншо келиб тушди.

## Самарқанд вилояти

Бугун таълим муассасаларида дарслар масофавий онлайн машғулотлар тарзида қизқарли, индивидуал ишлаш имконияти яратилган ва энг муҳими, тартибли равишда олиб борилаётган. Хусусан, Самарқанд вилоятидаги олий таълим муассасаларида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда.



# Биз ҳар доим «ОНЛАЙН»МИЗ

Институтининг «Заковат» интеллектуал уйини «@samdaq zakovat» каналида ўтказиб келинмоқда. Ушбу канал ҳозирда Самарқанд вилояти, қолаверса, республикамизнинг турли вилоятларидаги олий таълим муассасаларида таҳсил олувчи талабалардан ташкил топган 58 жамоани ўзида бирлаштира олди. Ҳозир турни қизгин давом этмоқда. Институт маъмурияти кейинги галда талабалар ўртасида «online плакатлар» танловини ўтказишни режалаштирган.

**Шерзод НЕЪМАТОВ,**  
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабаси уюшмаси Республика Кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

# Карантиндан кейин ким бўламиз?

умидсиз миллатми ёки қудратли халқ

Коронавирус пандемияси сабабли давлатимиз раҳбари халқимизга учинчи марта мурожаат қилди. Бу сафар сўзи, оҳангида орғиниш, ташвиш ва умид бошқача сезилди.

Президент ўша кунни карантин қоидаларини бузаётганлар сонининг 22 мингдан ортадан (уч кун ўтиб бу рақам 28 мингга яқинлашди) орғинди. Ва бу ҳолатни «маданиятсизлик», дея баҳолади. Бу жуда юмшоқ айтилишти аслида.

«Япон феномени» ҳақида Президент ҳавас билан гапирди. Нега?

Эйтибор қилайлик, японлар нима қилди ўзи? Дунё вакцина тополмаётган касалликка қарши жуда оддий йўл билан курашди ва бу пандемия уларга деярли оммавий зарар етказмади. Ўзига хос саломлашиш, шахсий масофани сақлаш, тез-тез кийим алмаштириш, юз-қўлни ювиш, тўла ювиниш, тўғри овқатланиш, фол турмуш тарзи ва спорт каби 13 қоида. Атиги шу!


Бундай олиб қараганда, маданиятли инсон ҳар кун қилиши керак бўлган оддий ҳолатлар. Бизга ўхшаб, карантин ҳудудидан қочиб, оила аъзоларининг бағрига ўзини уриш, сохта ҳужжат тайёрлаб, шахсий автомобилда шаҳар кезиш, никоҳ тақмасдан кўчага чиқиш, яширинча тўй қилиш, зиёрат зиёфатини бериш каби ҳолатлар улар учун мулқо беғона.

Японлар Иккинчи жаҳон урушидан сўнг

энг оғир шароитга тушиб қолишган. Урушдан кейин япон аёллари оммавий тарзда тилла тақинчоқларини давлат иқтисодиётини тиклаш учун топширган. Наҳотки, шу даражада оммавий ақлли бўлиш мумкин? Наҳотки, бутун миллат бирдек фикрлаши, нафсини жиловлаши, тарбияланиши мумкин?

2011 йил Фукуцимада содир бўлган цунами ва зилзила сабаб 18 мингдан ортиқ одам қурбон бўлди. Япония иқтисодиёти ва халқи оғир аҳволда қолди. Дунё жамоатчилигининг эътибори кунчиқар юртга қаратилди. Машиналар, уйлар, одамлар сувда оқди, ўнлаб шаҳар вайрон бўлди. Табиат олдида жаҳоннинг энг ривожланган давлатларидан бири таслим бўлди. Шундай пайтда мамлакатга бошқа давлатлардан гуманитар ёрдам борди. Японлар бу сафар ҳам кимлигини кўрсатди: самолётдан туширилиб, бир жойга тўпланган кийим-кечак ва озиқ-овқат учун навбатда туришди. Қизиғи, ҳеч ким бир-бирининг бурнини қонатмади, навбати келганда, жўнатилган ёрдамдан фақат ўзигагина етадиганини олди. Амакиси, холасини ўйламади.

Иккинчи ҳолат ҳам жуда таъсирли ва тарбияли. 2018 йилда Россияда ўтказилган фут-



бол бўйича жаҳон чемпионатини эслайлик. Япониялик мухлислар ҳар ўйин якунида ўз ҳудудини бўшаган идишлардан, чиқиндилардан тозалаб кетди. Ваҳоланки, бунга улар мажбур эмасди. Чемпионат давомида жуда яхши ўйин кўрсатган Япония эрта уйга қайтди. Аммо терма жамоанинг якуний ўйинидан сўнг мухлислар яна бир бор ўзларининг кимлигини кўрсатди: мезбон давлат Россия ва бутун дунёга миннатдорчилик билдирди. Футболчиларини олқишлади.

Бугун биз, ўзбекистонликлар учун жиддий синов даври. Бу синов бутун инсониятга келди. Бундай паллада умумшакланган маданиятгина бизни қутқара олади. Бу синовдан янада иродали, янада қудратли бўлиб чиқиш бор!

Исомиддин ПУЛАТОВ,  
журналист



Мулоҳаза

# Муҳим саволлар қаршисида

## Ҳужжатим бўлиши шартми?

**САВОЛ:**

– Карантин даврида нонга, бозорга, озиқ-овқат олишга кўчага чиқяпмиз. Шунда ички ишлар органлари ходимлари бир неча мартаба паспортимни сўрашди. Мен паспортимни олиб юришим шартми?

**ЖАВОБ:**

– Ички ишлар органларига бошқа идора билан ҳамкорликда фуқароларнинг карантин қоидаларига риоя этишларини назорат қилиш, тартиб бузганларга нисбатан кескин чора кўриш вазифаси юклатилган.

Агар сиз карантин даврида кўчага чиқсангиз, биланги, ҳар бир ички ишлар органи ёки Миллий гвардия ходими сизни тўхташиб, кўчага чиқиш мақсадингизни сўрайди. Мақсад – шахсингизга аниқлик киритиш. Агар ёнингизда шахсингизни тасдиқловчи ҳужжат бўлмаса, Сизни ички ишлар органига олиб бориб, шах-

сингизни аниқлаштиришга зарурат туғилиши мумкин.

Шунинг учун, зарурат юзасидан кўчага чиқсангиз, паспортингиз ёнингизда бўлиши ШАРТ! Агар сиз ишга кетаётган бўлсангиз, ишхона гувоҳномаси ва сизнинг ишга жалб этилганингиз ҳақида раҳбар тасдиқлаган маълумотнома қўлингизда бўлиши шарт.

Кўчада бемақсад юрганингиз аниқланса, сизга нисбатан жарима қўлланилади.

Саволга Ички ишлар вазирлиги  
Ахборот хизмати раҳбари  
Шоҳруҳ ГИЁСОВ жавоб берди

## Жамғарма тўлаб беради

**САВОЛ:**

– Карантинда корхонага ишсизлар жалб этилса, уларнинг иш ҳақи Меҳнат вазирлиги томонидан тўлаб берилиши ростми?

**ЖАВОБ:**

– Рост. Карантин чоралари амал қилиш даврида жамоат ишларига жалб қилинаётган фуқароларнинг иш ҳақи, иш берувчининг идоравий бўйсунуви, таши-

лий-хуқуқий ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, тўлиқ (100 фоиз) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлаб берилади.

## Томорқани орқа қилсангиз...

**САВОЛ:**

– Карантин сабаб вақтинча ишсизман. Томорқам бор. Меҳнат органлари менга ёрдам кўрсата оладими?

**ЖАВОБ:**

– Ҳа, албатта ёрдам кўрсатади. Бунинг учун Аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказига томорқа учун субсидия ажратишни сўраб мурожаат қилсангиз бўлади.

## Агар мажбурий меҳнатга ундашса...

**САВОЛ:**

– Ташкилотимиз карантин туфайли ёпилгани ва ходимларини меҳнат таътилга чиқарганига қармай, ходимлар ташкилот раҳбари томонидан мажбурий меҳнатга жалб қилиняпти. Кимга мурожаат қилай?

**ЖАВОБ:**

– Меҳнат ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатлари юзасидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 11-76 қисқа рақамли,

(71)200-06-00 рақамли «Ишонч телефони»га ёхуд @mehnatuqubot телеграм каналига ёки бўлмаса, dmi.mehnat.uz сайтига мурожаат қилишингиз мумкин.

## Чет элга кетмоқчи эдим...

**САВОЛ:**

– Мен 2019 йилда ХБА (Хусусий бандлик агентлиги) билан шартнома тузиб, чет элга ишлаш учун пул тўлаган эдим. Пандемия пайтида пулларимизни қандай ундириб олишимиз мумкин? Бундай шароитда агентлик пулимизни қайтармаслиги ҳам мумкинми?

**ЖАВОБ:**

– Сиз исталган ҳолатда тўлаган пулингизни қайтариб олиш ҳуқуқига эгасиз. Бунинг учун давлат хусусий бандлик агентлиги билан имзоланган шартнома билан қайта танишиб чиқинг. Унда форс мажор ҳолатларида ХБА ҳамда миждо ўртасидаги муносабатлар қай тарзда тартибга солиниши кўрсатилган. Агар шартномада бундай банд бўлмаса, ХБА вақили билан келишиб, тўлаган маблағларингизни қайтариб оласиз.

Карантин ва чеклов тадбирлари сабаб шаҳар бўйлаб ҳаракатнинг чеклангани, айрим корхона ва ташкилотлар фаолияти қисман тўхтатилгани туфайли пулни қайтаришда қийинчиликлар юзага келиши мумкин.

Карантин ва чеклов тадбирлари сабаб хорижий давлатлар элчихоналари, консуллик бўлимлари вақтинчалик фуқароларини қабул қил-

маяпти. Шундай ҳолатлар ҳам учраётгани, ишчиларнинг чет элга меҳнат фаолиятини амалга ошириши учун ҳатто тақлифномалар ҳам келган. Бироқ бугунги вазият сабаб барча жараёнлар тўхтаган.

Шуларни инобатга олган ҳолда, мазкур ҳолатда бирор бир қарор қабул қилишда карантин туғанини кутишни маслаҳат берамиз.

Агар ХБА вақили шартномада кўрсатилган шартларни бажаришдан бош тортса, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, унинг ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишингиз мумкин.

Саволларга Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Шаҳноза РАВШАНОВА жавоб берди

## Кўшним тушунмаяпти, нима қилай?

**САВОЛ:**

– Кўп қаватли уйлардан бирида яшайман. Карантин сабабли масофадан ишлаш, ҳар кун кўшнимиз тун ярмида ҳам баланд мусиқа қўяди, бу ишлаганимга ҳақ қилади. Шунга ҳолатлар бўйича қонунларда жавобарлик белгиланганими?

**ЖАВОБ:**

– Ҳа, албатта. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 192-моддасига кўра, тунги вақтда – соат 23:00дан 06:00гача фуқароларнинг оёқошталлиги ва нормал дам олишини бузганлик учун, яъни:  
– баланд овоз билан кўшиқ айтиш;  
– мусиқа чалиш;  
– товуш сигналлари бериш;  
– хонадонларда, турар жойларнинг йўлаклари ва эшиклариди, кўчаларда овози баланд қилиб қўйилган телевизорлар, радиоприём-

никлар, магнитофонлар ва овоз чиқарувчи бошқа аппаратуралардан фойдаланиш;

– турар жой биноларида ва улардан ташқарида жуда зарур бўлмагани ҳолда шовқин чиқарувчи ишлар қилиш;  
фуқароларга – 74 333 сўм,  
мансабдор шахсларга – 111 500 сўмгача маъмурий жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган.

Бу каби ҳолатларда сиз яшаш ҳудудингиздаги профилактика инспекторига мурожаат қилишингиз мумкин.

## Жаримани кейин тўласа ҳам бўладими?

**САВОЛ:**

– Автомашинани махсус рухсатномасиз бошқарганим учун 4 миллион 460 минг сўм жаримага тортилганман. Эшитишимча, Президентимиз қарори билан жаримани карантиндан кейин тўлашга рухсат этилди. Шу тўғрисида?

**ЖАВОБ:**

– 2020 йил 3 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент фармонида кўра, карантинга олинган шахсларга нисбатан қўлланилган маъмурий жарималарни (карантин қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик бундан мустасно) тўлаш муддатлари карантин муддати

туғагунга қадар узайтирилиши белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, сиз карантин қоидаларини бузганлигингиз учун сизга нисбатан қўлланилган маъмурий жарималарни тўлаш муддати узайтирилмайди.

Қолаверса, мазкур норма фақат карантинга олинган шахсларга нисбатан таътиб этилади.

Саволларга Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Ғайбулло Примов жавоб берди  
Манба: t.me/koronavirusinfouz

Жиззах вилояти

Дил сўзи

Ибрат

# Кўлимиздан келадиган иш!

Муаллимман. Бахмал туманидаги олис қишлоқ мактабиди мана, 27 йилдики, ўқувчиларга рус тилидан сабоқ бераман.

Аммо бугун карантин ва коронавирус пандемияси сабаб ҳаётга қарашларимиз ўзгариб бораётганини англадик. Ҳатто, бизнинг олис қишлоқларда ҳам ўз аксини кўрсатди. Синовлар одамларни бир-бирига қалбани яқинлаштирди.

Ҳамкасбларимиз, ўқувчиларим ва мактабни битириб кетган шогирдларимнинг бир-бирига ва менга ўхшаган устозларига бўлган эътиборлари чандон ошганини ҳис этдим.

Шундай пайтларда ўзбеклигинг, шу миллат ва шу юрт фарзанди эканингдан фахрланиб кетасан киши. Ва албатта, биз ўқитувчилар ва биз оналар юртимиз тинчлиги, унинг халқи ҳамisha омон бўлишини чин дилдан истовчи ва бунга бутун борлигини беришга тайёр бўлган одамларимиз.

Мени ич-ичимдан қувонтиргани, Ўзбекистон ўз Президенти раҳбарлигида бу балонинг тарқаб кетмаслиги учун бутун жаҳди билан курашмоқда. Раҳбариятнинг кўраётган қатъий чоралари эса биз қишлоқ ахлини ҳам қувватлантирмоқда. Дунёдаги мана-ман деган давлатлар бу кўринмас ғаним олдида нечоғли оҳиш қолаётган бир пайтда, биз унинг тарқалиб кетмаслиги, энг муҳими, талафотларсиз ўтиши учун барча чораларни кўрапмиз. Шифокорларимиз қаҳрамонлик кўрсатишяпти, ички ишлар ходимлари маънавият билан тартиб сақлашяпти, ҳокимликларининг халқ ҳолидан хабар олиш борасидаги чора-тадбирларидан ҳам кўнглимиз тўқ. Ҳеч ким бетараф тургани йўқ. Бу ёқда ўқувчиларимиз, ёшларимизнинг вақтини мазмуни ўтказиш учун таълимнинг турли янги шакллари таомилга киритишяпти.

Муҳими, бундан буёғига олдимизга қўйилаётган, биздан сўралаётган талабларни оғишмай бажариш қолапти – уйда қолиш, ўзимиз, яқинларимизнинг соғлигини асраш! Бу билан эса Ватанимизни ҳам асраймиз! Бу бизнинг кўлимиздан келадигани.

Адолат ЎСАРОВА,  
Бахмал туманидаги 74-умумтаълим мактаби ўқитувчиси



Жиззах шаҳридаги кўп қаватли уйларнинг бирида тураман. Ташқарида шаррос ёмғир ёғмоқда. Тарновдан тушаётган ёмғир суви йўлакларда қўлмак ҳосил қилган. Кўкларнинг бундай манзараларидан фақатгина деразадан боқиб завқ олапман.

# Меҳр ришталари

Коронавирус сабаб уйимиз олди ҳам хувиллаб қолди. Фақат «Миллий гвардия» деган ёзуви бор автомашинани юрибди. Машина тепасига ўрнатилган карнайлардан аҳолини огоҳлантирувчи сўзлар таралади.

Ёмғирпўш остида қўлмак оралаб қўлидаги асога сунганча мункиллаб келаятган аёлга кўзим тушди. У кўшнимиз Олия момо... Бир хонали уйда ёлғиз яшайди. Момонинг қўлидаги тўрва халтасида кунлик озиқ-овқат... Момодан ҳол сўраб, деразадан бошимни чиқардим:

– Олия момо. Қаерлардан келаяпсиз?

– Муқиммисан? – дея менга қўларини соябон қилиб қаради у.

– Ҳа, менман.

– Магазинга чиқиб келаяпман. Ул-бул олдим. У кун «меҳр-шафқат» фонди ходимлари керакли озиқ-овқатларни ташлаб кетишган эди. Энг қизиғи, ҳар доим «пенсияхона»дан бориб нафақа пулимини олар эдим. Бугун уларнинг ўзи пен-

сиямни олиб келди. Барака топсин... Шундай дея момо ўз уйига кириб кетди.

Бугун давлатимиз томонидан боқувчисини йўқотган оилаларга, ёлғиз қарияларга беғараз ижтимоий ёрдамлар бериб келинмоқда. Бундан ташқари, одамларга онлайн тизимда турли хизматлар кўрсатилмоқда.

Бугун «Сиз уйда ўтиринг, биз хизмат қиламиз» ғояси билан Олия момо сингари Жиззах вилоятида минглаб нафақадаги инсонларнинг пенсия пуллари уларнинг хонадонига олиб борилмоқда. Чекка киш-лоқлар, овулларда кўчма дўконлар ташкил этилиб, арзон нарҳда кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

Шундай экан, бу меҳрни қадрлаш лозим...

Муқимбой ИСМОИЛОВ,  
«ISHONCH»



Бугун кўпчилик уйда. Шу боис ҳисоблагичлар тинимсиз айланмоқда. Электр энергияси, газ ва сувни ҳар қачонгидан кўпроқ сарфланмоқда. Пойтахтимизда ҳар йили 1 апрелдан ўчирилмаган иссиқлик тизими ҳам ўчирилмади.


# Исрофдан қочайлик!

Хукумат коммунал тўловлардаги юзага келган қарздорликлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилмаса-да, ҳеч бир оила электр энергияси таъминоти ёки иссиқликдан ажратилмаслигини эълон қилди. Аммо давлат қўллаб-қувватлашини яққол сезиб туришимиз билан биргаликда, бундай имтиёзларни суистеъмол қилиб, исрофгарчиликка йўл қўймадик ҳам ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Масалан, чироқни ёқиб-ўчирувчи мосламани ёқишга ёқамиз-у, ўчиришни унутамиз. Телевизор эса баъзида ҳеч ким кўрмаса ҳам ёниқ туради. Газ ишлатилмаётган пайтда ҳам ўчирилмаган ҳолда қолади. Сувни шалдиратиб очиб қўямиз...

Бу эса жуда катта сарф-ҳаражатни талаб этади. Шундай экан, кўлимиздан келганча, оила аъзоларимизга тежамкорликда намуна бўлайлик. Исрофгарчилик ҳеч қачон жавобсиз қолмаслигини, аввало, ўз рўзгоримизга, мамлакатимиз иқтисодиётига зарар эканини тўғри англайлик! Қолаверса, имконимиз бўлса, мобиль тўлов иловалари орқали коммунал тўловларни ҳам тўлашни унутмайлик!

Зебо НАМОЗОВА,  
«ISHONCH»



Бугуннинг гапи

# Солиқ кўмитасидан чиққан ташаббус

## рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадларига халал бермайдими?

Нуктаи назар

Давлат солиқ кўмитаси банк ҳисобварақларига оид ахборотларни солиқ тизимига электрон узатиш тартиби билан боғлиқ қўшма қарор лойиҳасини жамоатчилик муҳокамасига қўйганидан хабарингиз бўлса керак. Ҳужжатда мижозларнинг пул маблағлари айланмаси 30 миллион сўмдан ва транзакциялар сони 10 тадан ошган P2P операциялари тўғрисидаги ахборотлар Марказий банк томонидан кўмитага тақдим этилиши ҳусусида сўз боради.

Табиики, мазкур лойиҳа жамоатчилик томонидан кескин эътирозларга учради. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, иқтисодчилар ҳамда бир гуруҳ блогерлар лойиҳанинг чуқур ўйланмасдан ишлаб чиқилганига ургу бериб, айтиш мумкин «Банк сири тўғрисида»ги қонуннинг бузилишига ҳамда яширин иқтисодиёт ривожланишига халал қилиниши таъкидлашмоқда. Бизнингча ҳам шундай. Бу борадаги баъзи қарашларимизни билдиришдан олдин муҳокама марказидаги қарор лойиҳаси тайёрланишига эҳтиёж борлиги, деган саволга жавоб изласак.

Сир эмас солиқлар – иқтисодиётимизнинг энг асосий тирраги. Кўмитанинг мақсади эса айтиш мумкин мунтазам равишда такомиллаштириш ҳамда яширин иқтисодиётга барҳам бериш йўллариини излаш орқали солиқ тушумларини кўпайтириб боришдан иборат. Юқоридаги қарор эса бугунги кунда яқка тар-

тибдаги тадбиркорлар иш фаолиятида кўзга ташланиб бораётган «солиққа чап бериш» усулларига чек қўйиш мақсадида ишлаб чиқилгандек. Нега?

Эътибор берсангиз, доимий харидорларини топиб улгурган аксар озиқ-овқат, турли майший буюмлар ҳамда бошқа истеъмол товарлари савдо шохобчалари эгалари кейинги пайтларда пластик картадан тўлов қилмоқчи бўлган мижозларга маблағни терминал билан эмас, аксинча, ўзи ёки яқинлари номидаги пластик картага «Click» хизмати орқали ўтказиб беришни таклиф қилиш ҳоллари тез-тез учраб турибди. Кунда икки-уч бор қўлланилган бундай усул натижасида карталарга тушаётган маблағлар ўз-ўзидан қаппайиб бораверади. Тома-тома кўл бўлур, деган гап бежиз айтилмаган, ахир.

Бундай вазиятда, турган гапки, савдо-харид жараёнида айланаётган миллионлар тадбиркорнинг банкдаги тегишли ҳисобварақидан ташқарида қолаверади. Солиқчилар зикр этилаётган лойиҳа орқали катта эҳтимол билан яширин иқтисодиётнинг мана шу кўринишига барҳам беришни назарда тутишган бўлса, ажаб эмас.

Шунга қарамай, бундай тартиб кучга кирса, жамоатчилик фаоллари хавотир билдириганидек, халқнинг банк тизимига бўлган ишончига жиддий путур етади, пул маблағларининг банкдан ташқари айланмаси кўпайиб, нақд пулга эҳтиёж ортади ҳамда инфляция даражаси кўтарилишига ҳам яхшигина «хизмат» қилади. Энг ёмони, яширин иқтисодиёт янада баттарроқ томир отаверади.

Иқтисодчи ва блогер Отабек Бакиров айтиш мавзуда нуктаи назарини билдириб, масаланинг ана бир жиҳатига эътибор қаратибди. Дейлик, кейинги

пайтларда имконияти чекланган ҳамда иқтисодий кўмакка муҳтож беморларни давлатиш учун хайрия маблағлари йиғиш, буни битта пластик картага жамлаш урф бўлди. Бундай хайрия эълонларига телеканаллар, интернет нашрлари орқали деярли ҳар куни кўзимиз тушади. Беморнинг операцияси учун зарур бўлган сумма эса аксар ҳолларда катта рақамларни ташкил этадики, юқоридаги қарор кучга киргудек бўлса, савобталаб инсонларнинг ёрдами эвазига минг машаққат билан тўпланган маблағ ҳам солиқ солинадими? Адолатсизлик-а?


Яна бир жиҳат. Ҳар қандай жамиятда одамлар ўртасида ўзаро қарз олдир-берди жараёни мавжуд. Айниқса, пул сўраб келган танишини имкон қадар ноумид қайтармаслик бизнинг жамиятга хос жиҳатлардан бири. Бугунги кунда наинки нақд пул кўринишида, балки пластик карталардан бир-бирига пул ўтказиб, катта миқдорда қарз бериш ҳолларига-да гувоҳ бўляпмиз. Демак, бу ҳам со-



лик идораси ва фуқаро ўртасида манфаатлар тўқнашувига олиб келади.

Нима қилмоқ керак?

Ўзбекистон шароитида нақд пулда эмас, аксинча, пластик карталар орқали савдо-харид жараёнини амалга оширишни жиддий рағбатлантириш тизими ишлаб чиқилиши зарур. Бунинг учун



қайтадан Америка очиш шарт эмас. Ривожланган давлатларнинг илғор тажрибалари шундоққина амалиётга жорий этилса, кифоя. Айтилик, сотаётган маҳсулотни учун фақат терминал орқали пластик картадан тўлов қабул қиладиган тадбиркорларга давлат томонидан қандайдир рағбат ва имтиёзлар, керак бўлса, солиқ имтиёзлари бериш мумкин эмасми? Бунда, шубҳасиз, тадбиркор манфаатли йўлдан боради.

Бизнингча, ана шундагина яширин иқтисодиёт даражаси пасайиб, банкдан ташқари маблағлар ҳам кескин камаяди. Рақамли иқтисодиётнинг асосий кўришиларида бири шу эмасми, ахир? Қолаверса, ривожланган мамлакатларда пластик картанинг ҳар жиҳатдан афзаллиги аллақачон эътироф этилган, нақд пул қўлдан қўлга ўтавериб, ўзида вирус ва бактерияларни та-

шиб юриши ҳақида эса коронавирус балоси пайдо бўлмасидан анча йиллар аввал бонг урилгани маълум-ку.

**Афтидан мазкур лойиҳа тайёрланишида шошма-шошарлик борга ўхшади. Аммо ҳали ҳам кеч эмас. Яширин иқтисодиёт йўллариини камайтириш ҳамда солиқ тушумини кўпайтиришнинг эътирозга ўрин қолдирмайдиган бошқа усуллариини таътиб этиш учун малакали иқтисодчиларнинг фикр-мулоҳазаларини эътиборга олиш зарур. Маслаҳатли ош айнимас, деган гап бежиз айтилмаган.**

Нурилло НЎМОНОВ, «ISHONCH»



Молия муассасаларида

# ПЕНСИЯ БАНК КАРТАЛАРИ ОРҚАЛИ ТўЛанади

Унинг қулай томонлари ҳам кўп, муҳими, даромад ҳам олиш мумкин



Ҳаммамизга маълум, бутун дунёда COVID-19 вирусига қарши кураш, имкон қадар унинг тарқалишини камайтиришга қаратилган чоралар кўрилмоқда. Минг афсуски, мамлакатимизда ҳам бу вазирни юқтирилган сони кун сайин кўпайиб бормоқда. Давлатимиз мазкур вазиятда аҳоли саломатлигини асрашга қаратилган қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Реклама ҳуқуқида



Хусусан, шу йилнинг 12 апрелида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси бошлиғи Нурмат Отабеков нақд пулларда коронавирус кўзатувчиси узоқ муддат (4-5 кун) сақланиб қолиши мумкинлиги ҳақида маълум қилди. Шу боис ҳолда нақд пуллардан имкон қадар камроқ фойдаланиш тавсия этилмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, карантин шароитида инфекциянинг тарқалиб кетиши эҳтимолини камайтириш мақсадида 2020 йил 13 апрель куни Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров, Марказий банк раиси М.Нурмуратов ҳамда молия вазири Т.Ишметов томонидан қўшма хат имзоланди. Ҳужжатга кўра, тегишли ташкилотларга нақд пул муомаласини қисқартириш бўйича қатор вазифалар топширилди.

**Жумладан:**  
– пенсия тўловларини устувор равишда банк пластик карталари орқали тўлаш, энг аввало, жорий йилнинг май ойидан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоятлар марказларида тўлиқ жорий этилади;

– кейинги ойлاردан бошлаб барча ҳудудларда пенсия ва нафақа тўловларини устувор равишда банк пластик карталари орқали тўлашни таъминланади;

– Халқ банки томонидан Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлим-

ларидан тегишли маълумотларни олган ҳолда, пенсионерларга банк пластик карталари очилади;

– банк ходимлари томонидан навбатдаги пенсия тўловларини тарқатиш жараёнида пенсионерларга банк пластик карталари барча санитар талабларга риоя қилган ҳолда, уларнинг яшаш манзиллари бўйича етказиб берилади;

– карта эгасининг хоҳишига кўра, пластик картадаги маблағлар нақдлаштириб берилади;

– бошқичма-бошқич барча маҳалла фуқаролар йиғинлари бинолари олдида банк-матларни жойлаштириш ишлари ташкил этилади.

Шунингдек, ишчи-ҳодимларига банк пластик карталари очилган Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия тизимидаги ташкилотларнинг иш ҳақи тўловларини тўлиқ банк пластик карталари орқали тўлаш чоралари кўрилади.

Бугунги шароитда пенсионерларнинг пенсия пуллари пластик карталар орқали берилиши энг тўғри қарор бўлади. Сабаби, коронавируснинг асосан ёши катталарга юқиб эҳтимоли катталиги ҳамда касалликнинг 60 ёшдан ошганларда оғир кечаётганини инобатга олсақ, бу жуда муҳим. Шу пайтга қадар Ўзбекистонда пенсия ва нафақалар нақд пулда берилган. Айтиш мумкин, кунларда пенсия ва

нафақа пуллари алоҳида пакетларда тарқатилмоқда. Бу пуллари аҳолига тарқатишдан олдин махсус дезинфекцион ишлов берилмоқда. Аммо бу хавфсизлик юз фоиз таъминланди дегани эмас. Шундай экан, ҳозирги вазиятда нақд пул билан муомала қилишни кескин камайтириш, пенсия ва нафақаларни нақд пул сифатида эмас, пластик карталар орқали олиш хавфсизроқ бўлади.

Пластик картоқчадан фойдаланилса, коронавируснинг бир одамдан иккинчисига ўтиш эҳтимоли кескин камаяди. Биринчидан, нақд пул билан муомала қилмайсиз, демак, вирус юқиш эҳтимоли ҳам камаяди. Иккинчидан, барча тўловларни уйдан туриб тўлаш имконияти бўлади. Ўз-ўзидан одамлар орасига чиқмайсиз, бу эса вирус юқиш эҳтимолини 10 баробарга камайтиради. Уй шароитида ҳам имкон қадар битта пластикдан фойдаланиш мақсада мувофиқ дезинфекцион ишлов бериш, тазалаш имкони борлиги сабабли пластик картоқчалар нақд пулга нисбатан анча хавфсиз.

Табиики, аҳолида барибир нақд пул керак-ку, нақд пул масаласи нима бўлади, энди пенсиямизнинг 1 фоизини пулни нақдлаштиришда йўқотамизми, пенсия ва нафақа пуллари ойнаинг қайси вақтида тушади, банк-матлар етишмайди-ку, деган саволлар туғилади. Уларга қуйидагича жавоб берамиз.

Халқ банки пенсионерлар учун «Pensiya overdraft karta»сини ишга туширган. Ушбу пластик карта ҳар томонлама қулай. Пенсия ва нафақа пули келиши кутилмайди, ҳар ойнаинг бешинчи санасига пенсия пластик картага тушади. Шунингдек, карта орқали нафақа барча турдаги тўловларни амалга ошириш, балки Халқ банки кассалари ва банк-матларидан нақд пул маблағларини фоизсиз ечиб олиш мумкин.

Бундан ташқари, ушбу пластик карта пенсия олувчиларга 5 йил муддатга бепул очилади. «Pensiya overdraft karta»си фойдаланувчисига зарурат бўлганда пенсия маблағлари молиялашгунга қадар банк томонидан пенсия маблағининг 50 фоизи миқдорда 12 ой муддатга овердрафт кредити ажратилади. Фойдаланилган овердрафт кредити маблағлари учун кредит фоизи ойлик 1,33 фоиз миқдорда белгиланган.

Бу ҳали ҳаммаси эмас, «Pensiya overdraft karta»сидаги ишлатилмаган маблағлар учун йиллик 8 фоиз миқдорда даромад ҳам олиш мумкин.

Демак, турли саволлар-у хавотирларга ўрин йўқ. Халқ банки ҳақиқий халқ банкидир. Буни аҳоли манфаатларини қўзлаган биргина ушбу ишда ҳам қўлини мумкин.

Халқ банки ахборот хизмати  
Хизматлар лицензияланган



Анвар ОБИДЖОН

Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Анвар Обиджон 2020 йил 11 апрель куни оламдан ўтди. У 1947 йил 8 январда Фарғона вилояти Олтиариқ туманида туғилган эди. Шоир 1979 йил Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини тугатган.

Китобхонлар шоирнинг «Она Ер», «Баҳромнинг ҳикоялари», «Эй, ёруғ дунё...», «Оловжон ва унинг дўстлари», «Кетмагил», «Масҳарабоз бола», «Аканг қарағай Гулмат», «Жуда қизиқ воқеа», «Даҳшатли Мешполвон», «Ерликлар», «Булбулнинг чўпчаклари», «Одобли бўлиш осонми», «Танланган шеърлар», «Ўқ ўтмас болақай ёхуд олтин юрак», «Ажинаси йўқ жинкўчалар» китобларини яхши билади.

У болалар учун ҳам, катталар учун ҳам кўплаб қисса, шеър, дoston, ҳикоя, пьесалар яратди. Анвар Обиджоннинг драматург сифатидаги фаолияти 1983 йил «Кўнғирқоқ ёлгончи» комедияси Ёш томошабинлар театрида сахналаштирилганидан бошланган. Анвар Обиджон «Фидокорона хизматлари учун» ордени, «Шуҳрат» медали соҳиби бўлган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти жамоаси шоирнинг оиласи ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Анвар ОБИДЖОН

# Таржимаи ҳол

- Кимсан?
- Оллоҳнинг ердаги омонати.
- Қаерда туғилгансан?
- Дадам кўмилган жойда.
- Маълумотинг?
- Ўрта – навойихон.
- Касбинг?
- Ўзбекчилик.
- Тақдирланганмисан?
- Эгам бешта ўғил берган.
- Жазоларинг борми?
- Шеърлар ёзганман.
- Энг таянган дўстинг?
- Тамаки.
- Энг қабих душманинг?
- Касалинг.
- Соғлиқ ўзи нима?
- Интизомсизлик.
- Нимадан хузурланасан?
- Кўнгилад овлашсан?
- Нимадан кўрқасан?
- Боламаг иснод келтиришдан.
- Нима бемаза?
- Ватансизлик.
- Нима ширин?
- Қутулиш.
- Ҳаётнинг маъносини?
- Мажбурийлик.
- Ўлимнинг маъносини?
- Жой бўшатиқ.
- Армонинг борми?
- Бургут эмас, қалдирғочман.
- Юпанчинг?
- Читтақлардан баландроқда.
- Соғлиқ ўзи нима?
- Энг тўқис таржимаи ҳолинг?
- Келдим. Ёзим. Кетдим...

Андижон вилояти касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси жамоаси «Uz-Dong Ju Peint Co» Ўзбек-Корея қўшма корхонаси бошланғич касба уюшмаси раиси Сардорбек Латиповга отаси Абдумалик ЛАТИПОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



ISSN 2010-5009  
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ (тахрир ҳайъати раиси),  
Улуғбек ЖАЛИМЕНОВ,  
Анвар АБДУМУХТОРОВ,  
Сайфулло АҲМЕДОВ,  
Акмал САИДОВ,  
Равшан БЕДИЛОВ,  
Қутлимурот СОБИРОВ,  
Сухроб РАФИҚОВ,  
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,  
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,  
Нодира КАРИМОВА,  
Анвар ҚУЛМУРДОВ,  
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),

Темур МАМАЖОНОВ,  
(Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўйича),

Меҳриддин ШУКУРОВ,  
(Масъул котиб – «Ishonch»),

Валентина МАРЦЕНЯК  
(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир  
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:  
Касба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69  
Ҳуқуқ ва халқро ҳаёт – (71) 256-52-89  
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43  
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz  
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар:  
Қорақалпоғiston Республикаси – (+998-99) 889-90-22  
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23  
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31  
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34  
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02  
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28  
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44  
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26  
Сийдах вилояти – (+998-99) 889-98-55  
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32  
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24  
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01  
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:  
А. Абдурахмонов  
Мусаҳҳиллар:  
С. Шодиева,  
З. Холмухаммедова,  
Д. Орплов  
Саҳифаловчи:  
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 22:00  
Топширилди – 03:20

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Бюджетга Г – 417. 3028 нускада босилди. Наشر кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз:  
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.  
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтаинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқиди. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.  
Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Тахририят хисобқатми:  
2021 0000 0004 3052 7001,  
АТБ «Ipoteka bank»  
Яшнобод филиали,  
банк ҳис. 00959,  
СТПР: 201133889,  
ОКЭД: 58130